Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
Ахборот-кутубхона бошқармаси
Ўзбекистон
F 24497

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

10 апрель, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 78 (1595)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов 9 апрель куни Германия Федератив Республикаси бундестаги вице-президенти Бурк Хард Хирш раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, жумладан, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш, замонавий бозор инфраструктурасини барпо этиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ -- ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликлари кафолатларини ва уларни ҳимоя қилишни кучайтириш бугунги кунда жамият тараққиётининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш, фуқароларни юридик маълумотлардан хабардор қилиш, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутмоғи лозим.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида таъкидлаган эдики, агар биз аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасидаги янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантира олсак, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтира олсак, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши муваффақиятли амалга оширилади. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак. Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари -- айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин.

Илгари хабар қилинганидек, Олий Мажлис Кенгашининг қарори бидан Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқидан ва парламентнинг ушбу масала юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга доир тадбирлар тасдиқланган эди. Бошқа ишчи гуруҳлари билан бир қаторда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилаш масалалари бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилган эди.

9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мазкур ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Конституциявий суд раиси Б. Эшонов бошқарган кенгашда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилашга доир вазифалар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Шу нарса таъкидландики, республикамизда фуқароларни ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқ маданиятини ошириш дастурини яратиш, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курсларни тайёрлаш ҳамда уларни олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритишга доир таклифлар ишлаб чиқилди, юридик адабиётлар туркуми нашр этилмоқда, ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари асослари ва ҳуқуқий билимларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўтган даврда Адлия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари, республика Прокуратураси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат матбуот қўмитаси ва бошқа идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш борасида эътиборга лойиқ муайян ишлар қилинди.

Шу билан бирга қайд этилдики, бу йўналишдаги иш такомиллаштиришни талаб қилади. Вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига янги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини кучайтириш, қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини фуқаролар эътиборига ўз вақтида етказишни самарали тизимини таъминлаш таклиф қилинди. Оммавий ахборот воситаларига ҳуқуқий тарбия ва қонун ҳужжатларини тушунтириб бериш бўйича телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, мақолалар сифатини яхшилаш, бунда уларнинг оммабоп бўлишига эришиш тавсия этилди. Одил судловнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш, суд қарорларини тушунтириш ва ўз вақтида ижро этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ишига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган муассасаларни кенг жалб қилиш тавсия этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Мажлисда Республика адлия вазири С. Мирсафоев, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, бир қатор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, илмий-текшириш ва ўқув юртларининг раҳбарлари қатнашди.

(ЎзА).

СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД АЙЛАБ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 661 йиллиги мамлакатимизнинг барча шаҳар ва вилоятларида илмий анжуманлар, адабий кеча, тарихчи олим ва адиблар билан учрашувлар билан бошланди. 9 апрель куни республикамиз пойтахтидаги Соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбон тантаналар марказига айланди. Шу куни эрталаб бу ерга турли жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса ва идоралар вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари, ўқувчилар, пойтахт маҳаллалари вакиллари тўпланди. Буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Амир Темур номидаги халқаро жамғарма, туман ҳокимликлари номидан гуллар қўйилди.

Шундан сўнг тантаналар Темурийлар тарихи давлат музейига кўчди. Бу ерда шонли сана муносабати билан кўргазма заллари очилишига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни музей директори, тарихчи олим Н. Хабибуллаев очди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти А. Муҳаммаджонов, Амир Темур халқаро жамғармасининг раиси, академик Б. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор М. Набиев ва бошқалар сўзга чиқиб, Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни, унинг ўзбек давлатчилиги, илм-маърифати, меъморчилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Маросим қатнашчилари кўргазма экспонатлари билан танишдилар.

Маросимларда мамлакатимиз Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

* * *

Шунингдек, 9 апрель куни юзлаб самарқандликлар, меҳмонлар, фахрийлар, олимлар, жамоатчилик вакиллари шаҳарнинг Амир Темур майдонига тўпланди. Улар буюк бобокалонимизнинг ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйдилар, Соҳибқирон мангу қўним топган Гўри Амир мақбарасига бориб, унинг қабрини зиёрат қилдилар.

Кечқурун Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек драма театрида Амир Темурга бағишланган «Самарқанднома» спектакли намойиш этилди.

Тадбирларда вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

Амир Темур таваллуди тантаналари жаҳонгир туғилган юрт -- Қашқадарёда темурхонлик кунлари билан бошланди. Яккабоғ тумани ва Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган илмий анжуманлар қатнашчилари Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, ўзбек давлатчилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, Темур даври маданияти ва маънавий қадриятлари мавзуидаги маърузаларни тинглади.

Маросим қатнашчилари Шаҳрисабз шаҳрида буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиб, у қурдирган муҳташам обида -- Оқсаройни зиёрат қилдилар.

(ЎзА).

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Ўзэкспомарказда «Орол денгизи минтақасига ёрдам учун халқаро кўргазмалар» мавзусида учрашув бўлди. У Тошкентда учинчи марта ташкил этилган «Соғлиқни сақлаш-97» халқаро кўргазмаси доирасида, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ҳамда кўргазма ташкилотчиларидан бири -- Буюк Британиянинг «Ай-Ти-И» йирик фармацевтика компанияси ташаббуси билан ўтказилди. Дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган бир қанча хорижий фирмалар вакиллари иштирок этган бу халқаро учрашувни ўтказиш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» бирлашмаси ҳам қўллаб-қувватлади.

Учрашувни «Ай-Ти-И» компаниясининг ижрочи директори Саманта Ли бошқарди. У йиғилганларга Орол фожеаси муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлларини қидиришга бағишланган бу учрашувдан кўзланган мақсад ҳақида гапириб берди. Тошкентдаги кўргазмада иштирок этаётган турли фармацевтика фирмаларининг Орол денгизи минтақаси аҳолисига муайян ёрдам кўрсатиши ана шундай йўллардан бири бўлиши мумкин. Юз берган экологик фалокат бу ерда истиқомат қилаётган 5 миллиондан ортиқ киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди -- умумий касалликка чалиниш даражаси минтақада бошқа жойлардагига қараганда анча юқори. Экология тизими бузилиши оқибатида айниқса аёллар ва болалар кўп жабр кўрмоқда. Энг биринчи ёрдам сифатида маҳаллий соғлиқни сақлаш органларини етарли миқдордаги дори-дармон ва тиббий асбоблар билан таъминлаш зарур.

Учрашувда қайд этилганидек, кўргазмада ўз маҳсулотини намойиш этган 20 та хорижий фирма ва компания Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича анчагина тажриба орттирган «ЭКОСАН» жамғармаси билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

(ЎзА).

САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

ЗУККО ЁШЛАР -- ВАТАН КЕЛАЖАГИ

Самарқанд давлат чет тиллар институтида «Хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг дунё тажрибаси» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва бу борада жаҳондаги илғор мамлакатларда тўпланган тажрибани ўрганишдир.

Анжуманда ўзбекистонлик олимлар ва ўнлаб хорижий мутахассисларнинг маърузаси тингланди.



«НАМАНГАН ТОНГИ» ЯРМАРКАСИ

Наманганда йилнинг ҳар чорагида бир марта мунтазам ўтказиладиган янги савдо ярмаркасига «Наманган тонги» номи берилди. Унда вилоят саноат корхоналари ва хўжаликларидан ташқари, хусусий корхоналар ва тижорат тузилмалари ҳам ўзлари етиштирган ва ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиши мумкин.

Ярмарканинг асосий мақсади рақобатбардошли, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун истеъмол бозорини янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдан иборат.

МАҚСАД -- ЭКСПОРТГА МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИШ

Балиқчи туманида Тошкентдаги «Вигас» Ўзбекистон -- Россия қўшма корхонасининг филиали ишлай бошлади. Бу ерда ёғочни қайта ишлаш цехи ва мебель тайёрлаш линияси дастлабки маҳсулотларни чиқарди.

Яқин орада бу ерда газлама ва тукли сочиқ ишлаб чиқарадиган цехлар барпо этиш кўзда тутилган. Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда асосан экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу пайтга келиб, филиал ходимлари беш баравар кўпайиши лозим.

ОИЛАВИЙ ШИФОХОНА

Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани Абдулла Қодирий номидаги маҳаллада ўттиз беш минг аҳолига хизмат кўрсатувчи 56-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Икки қаватли бу тиббиёт маскани барча зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Унда болалар ва катталар бўлимлари, физиотерапия, аёллар маслаҳатхонаси, тиш даволаш, жарроҳлик бўлимлари, рентгенхона ва лаборатория, қирқ ўринли кундузги стационар мавжуд.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири - қонун устуворлигига эришишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда «Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодекси» лойиҳасининг яратилиши бу борада қўйилган муҳим қадамдир.

Мен ушбу қонун лойиҳасида ахлоқ тузатиш ва меҳнат муассасалари тизими фаолиятига янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини таъкидламоқчиман. Унда турли жиноятлар содир этиб, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, 10-модданинг 3-хатбошисида маҳкумлар давлат органлари ва турли жамоат бирлашмаларига мурожаат қилишлари мумкин, дейилган.

Менимча, бу ерда жамоат бирлашмалари сўзи ортиқча.Чунки маҳкумларга суд томонидан тайинланган жазо муддатларини жамоат бирлашмалари ёки бошқа ташкилотлар кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Шунингдек, 104-модданинг жазони ўташ тартиби бузилишларига йўл қўймаётган, иш нормаси ва белгиланган топшириқларни бажараётган маҳкумларнинг шахсий ҳисоб варағига барча ушлаб қолишлардан қатъий назар иш ҳақининг камида 25 фоизи ўтказилиши кўрсатилган. Бу кўрсаткич 40-50 фоизга кўтарилса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Шунда маҳкум рағбатлантирилган ва унинг меҳнатга муносабати ўзгарган бўларди.

А. ТОЖИБОЕВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-тоифали ҳуқуқшунос.

ТОШКЕНТДА ЯПОНИЯ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Марказ жаҳон тиллари давлат университети ҳузурида ташкил этилган. Уни ташкил этишда Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаол иштирок этди.

Марказ очилишида республикамиз жамоат ташкилотларининг вакиллари, олимлар, талабалар, Тошкентда фаолият кўрсатаётган япониялик дипломатлар ҳозир бўлди.

Жаҳон тиллари университети ректори, профессор Жамолиддин Бўронов учрашувни очар экан, жумладан шундай деди:

-- Бирон бир халқ тилини яхши ўрганиш учун ўша халқнинг тилидан ташқари, тарихи, маданияти, иқтисодиёти, сиёсати ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлиш зарур. Биз ана шу мақсадда университет ҳузурида турли халқлар марказларини ташкил этмоқдамиз. Ҳозирнинг ўзида турк, грек, корейс ва бошқа бир қанча халқлар марказлари муваффақият билан ишлаб турибди. Бу марказларнинг эшиги ўқитувчи ва талабалар учунгина эмас, бу мамлакатлар тўғрисида маълумотга эга бўлишни истаган ҳар қандай киши учун очиқ.

Япония -- ривожланган, жаҳонда ўзига муносиб ўрин тутадиган давлат бўлиб, унинг халқи ҳам ўзига хос маданият, асрлар оша барҳаёт бўлган кўпгина теран илдизли анъаналарга эга. Бу маданият ва анъаналар билан марказга келувчиларни яхшироқ таништириш учун турли мавзудаги ҳужжатли фильмлар намойиш этилади, кутубхона очилади. Кутубхонага дастлабки китоблар -- маълумот руҳидаги ва ўқув китобларини Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳадя қилди. Шунингдек, аудио, видео аппаратлар ҳамда нусха кўпайтирувчи техника ҳам тақдим этилган. Марказда Япония ҳаётининг турли соҳалари тўғрисида тўла маълумотга эга бўлган маслаҳатчилар, университет ўқитувчилари ва Японияндан таклиф этилган мутахассислар ишлайди.

Янги марказ очилиши маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

УШБУ СОНДА:

2-бет ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТА

3-бет ТАРТИБСИЗ БОЗОРДА БАРАКА БЎЛМАЙДИ

4-бет ЎЗБЕК НАВОСИ ЯНАДА БАЛАНДРОҚ ЯНГРАСИН

ХАЗИНА

ЕРНИ БОҚСАНГ ТЎЙДИРАДИ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш, нарх-навони барқарорлаштиришда томорқа хўжалигининг ҳиссаси беқиёс

Шахсий томорқада етиштирилаётган деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотлари ҳар қалай рўзғоримизни бут, дастурхонимизни тўкин қилиб турибди. Аммо шу пайтгача томорқа-бозор -- дастурхон конвейр ишини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиш, ҳаракатга келтириш хусусида давлат миқёсида аниқ бир йўналиш, мақсад, вазифа шу пайтгача кун тартибига қўйилмаган эди. Эндиликда бу масала мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Томорқа хўжалигини тараққий эттирмасдан, унинг эгасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмасдан қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириб бўлмаслиги бугун барчага аён.

Ўз шахсий томорқасида бола-чақаси билан йил-ўн икки ой ишлаб, оиласини ҳам боқаётган, бозорни ҳам обод қилаётган бундай тадбиркорлар Самарқанд вилоятида анчагина. Бултур Пастдарғом туманидаги Эшонқуловлар оиласи ўн сотих ердан 400 минг сўм, Самаровлар оиласи 112 минг сўм, Челак туманидаги Қиличевлар оиласи 114 минг сўм, Норбоевлар оиласи 120 минг сўм даромад олишди. Шахсий томорқалардан бундай оқилона фойдаланаётган оилалар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кўп.

Лекин ернинг умрини беҳуда ўтказаётган оилалар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бунинг асосли сабаблари кўп. Агар Президентимиз қўяётган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, томорқага экин экилмай қолишига бирорта ҳам сабабни баҳона қилиб кўрсатиш мумкин эмас.

Биринчи навбатда томорқа хўжалиги эгаларига пулли агросервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш лозим. Бу хизмат нималардан иборат? Бунга ерни ҳайдаб бериш, уруғ, ўғит, ҳашаротга қарши кураш кимёвий воситалари, асбоб-ускуналар, маҳсулотини бозорга олиб чиқиш учун транспорт ажратиш, ҳосилини йиғиштириб олишга ёрдам бериш, келишилган баҳода уни харид қилиб олиш, маҳсулотни жойлаш учун идишлар билан таъминлаш, ҳуқуқий, агротехник маслаҳатлар бериш, бозордаги нарх-наво ҳақида ахборотлар билан таъминлаш каби ўнлаб хизматлар мажмуи киради.

Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий, қонуний асослари республикамизда аллақачон ишлаб чиқилган. Лекин жойларда негадир бу механизм ҳаракатга келмаяпти. Вилоятда шу хизматларни йўлга қўйишга мутасадди бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари иттифоқи ва унинг туманлардаги уюшмалари, «Меваҳабзавотузумсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқтехтаъминоттузатиш» бирлашмаси, тайёрлов идоралари, матлубот кооперацияси корхоналари, маҳсулотни қайта ишлайдиган заводларнинг бирортаси, масалан томорқачиларга хизмат кўрсатиш ёки маҳсулотни харид қилиб олиш юзасидан бултур ҳам, бу йил ҳам ҳали тўлиқ шартномалар тузган эмас. Уларнинг жойларда томорқачиларга сервис хизмати кўрсатадиган бўлимларини очиш вақти аллақачон келди.

Шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш, уларнинг талабларини бажаришда фуқаролар йиғини оқсоқоллари, жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳам четда турмасликлари керак. Ҳеч кимга сир эмас, ёзда экин-тикин энди ҳосилга кирган пайтда кўплаб қишлоқларда томорқачиларнинг ариғида сув қурийди. Улар тўрт тарафга ялангоёқ югуришади, қулоқ бошида бир-бири билан ёқалашишгача бориб, экинларини минг азобда суғориб олишади. Тўғри, вилоятда сувнинг ҳар қатраси олтинга тенг. Ортиқча оқиб-тошиб ётган сув ҳам йўқ. Аммо, гап томорқа хўжалигини ҳам бошқа соҳалар қаторида ривожлантириш ҳақида борадиган бўлса, улар учун ҳам ҳар бир қишлоқда 80--100 литр сув оқизиб қўйилса бўлар, деб ўйлаймиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз Президентининг фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан кейинги йилларда жуда кўп оила уй-жой ва томорқа учун ер олди. Айни пайтда вилоят ҳокимлиги бу масалада изчил иш олиб бормоқда. Ҳозир вилоятда 39 мингга яқин оила тасарруфида 71 минг гектардан зиёд ер бор. Бу ҳар бир оила ҳисобига 18,3 сотихдан тўғри келади. Ўтган беш йил давомида вилоятда 167 минг оилага 44,5 минг гектар томорқа ва қўшимча томорқа берилди. Ихтиёримиздаги бебаҳо ернинг бир қаричини ҳам қаровсиз қолдириш увол.

Умуман, томорқа хўжалигининг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли. Буни ҳис этиш учун мана бу рақамларни бир таҳлил қилиб кўриш кифоя: вилоятда кейинги икки йил ичида аҳоли қарамоғидаги қорамоллар сони 16,5 фоиз кўпайди ёки 638 минг бошдан ошди. 1996 йилда томорқада дон етиштириш 1994 йилга нисбатан 37 минг тонна, сабзавот 27 минг, мева 9,8 минг, узум 48,3 минг тонна кўпайди. Бозорда сотилган бошқа маҳсулотлар, эҳ-ҳе, қанча. Бултур бозорда томорқачилар етиштирган 10,6 минг тонна ғалла, 25,8 минг тонна картошка, 96 минг тонна сабзавот, 13,5 минг тонна мева, 26,7 минг тонна полиз маҳсулотлари, 53 минг тонна гўшт, 153 минг тонна сут, 36,5 миллион дона тухум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди. Мана сизга томорқанинг шарофати. Агар шахсий томорқа хўжаликларига барча жойда бирдай эътибор берилганида, тайёрлов идоралари улар билан шартнома тузиб, олган маҳсулот учун тўловларни қатъий йўлга қўйганларида борми, дастурхонимизда бундан ҳам кўпроқ маҳсулот бўлиши мумкин эди.

Бу ишни бозорлар маъмурияти ҳам қилиши мумкин. Уларнинг вакиллари йил бошида қишлоқларга чиқиб, томорқачилар билан шартнома тузсалар, аввалдан бироз аванс пули бериб, кейинчалик мавсумда маҳсулотини келишилган баҳода олиб келсалар соз бўларди. Ахир томорқачининг йўл-транспорт харажати учун пули ёки маҳсулотини бозорга чиқариб сотиш учун имкони йўқлиги оқибатида озмунча ноз-неъмат исроф бўлиб кетаяптими? Бироқ ҳар қандай хизмат, таклиф, шартнома, олди-сотди ҳар иккала томоннинг манфаатига бирдай мос тушадиган бўлиши керак. Токи томорқачи етиштирадиган маҳсулотини сотиш ташвишидан қутилсин, меҳнатига яраша пул тўлайдиган ишончли шериги борлигидан кўнгли тўқ бўлсин.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Т. ШОМУРОДОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Мана беш йилдирки Қарши шаҳридаги «Қарлиқ боғот» маҳалласида «Ботир» зардўзлик кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда кичик корхона ҳузурида зардўзликни ўрганиш курси очилган. Ҳозир бу ерда шаҳарнинг турли маҳаллаларидан қизлар келиб таҳсил олишмоқда.

СУРАТЛАРДА: зардўз қизлар ўзлари тиккан кийимларни намойиш қилмоқда; зардўз Нафиса Толипова; (чапдан) уста зардўз Гулчеҳра Примқулова шогирди Дилором Баратова тиккан кийимни кўздан кечираяпти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА)
тасвирга олган.

СУҒУРТА ХИЗМАТИ

ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТА

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Носиржон Юсупов билан суҳбат

-- Носиржон Собирович, янги тузилган суғурта компаниясининг асосий вазифаларини қисқача шарҳлаб берсангиз.

-- Президентимиз Фармонида таъкидланганидек, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компаниясини ташкил этишдан мақсад суғурта хизматлари соҳасини самарали ривожлантириш ва аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдир. Бундан ташқари йил бошида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ҳамда хўжалик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш юзасидан қабул қилинган қатор дастуриламал ҳужжатларда аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китоб ишларидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўл-йўриқлари белгилаб берилган эди. «Ўзагросуғурта» компанияси зиммасига ана шу долзарб масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Аниқ ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, компаниямиз тармоқда товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулк ва маҳсулотларини суғурта йўли билан ҳимоялаш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит (қарз), маблағларини қайтаришга қодирлигини ўрганиш, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасига оид янги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатини тақдим этиш, аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурталаш, юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизмати кўрсатиш билан шуғулланади.

-- Маълумки, «Ўзагросуғурта» собиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош бошқармаси ўрнида ташкил этилди. Компаниянгиз бажарадиган ишлар аввалги бошқарма фаолиятидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

-- Қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулк ва экинлари 1997 йилгача бошқарма томонидан мажбурий суғурта қилиниб, хўжаликлар унинг бадалини тўлай олмас, натижада суғурта қопламаси фондлари етарли даражада шаклланмас ва йил охирида хўжалик кўрган зарар қопланмай қоларди. Аммо хўжалик суғурта бадалини тўламаган бўлса-да, давлат суғурта ташкилотидан қоплама маблағ олишга даъвогар бўлар ва бу сумма давлат бюджети ҳисобидан қопланарди.

Энди қишлоқ хўжалик корхоналари мулкларини гаровга қўйган ва «Ўзагросуғурта» компанияси кафолатини олганларидан сўнг тижорат банкларидан кредит берилади. Зеро, республикада пул-кредит сиёсатини амалга оширишдан мақсад корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг маромини таъминлашдир. Аграр суғуртанинг жорий этилиши биринчидан, маблағнинг банкларга ўз вақтида қайтарилишини таъминлайди. Иккинчидан, хўжалик ўз қарзини қайтариш учун яна имтиёзли муддат белгиланади. Учинчидан, хўжаликларнинг маҳсулот етиштириш билан боғлиқ масъулиятлари ошади. Шунингдек, хўжалик томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг табиий офат ва бошқа ҳодисалардан зарар кўришидан суғурта қилинади.

Президентнинг 1997 йил 25 февралдаги Фармонига мувофиқ «Ўзагросуғурта» компаниясининг даромад солиғидан 5 йил муддатга озод қилиниши, бу маблағнинг суғурта фондига йўналтирилиши ва компаниямиз томонидан вақтинча бўш маблағни инвестиция мақсадларида ишлатишидан келадиган даромад ҳам компаниямизнинг молиявий барқарорлигини таъминлаши шубҳасиз.

-- Сиз раҳбарлик қилаётган суғурта компанияси асосан қишлоқ жойларда фаолият юритади. Бинобарин, аввалги Давлат суғурта бош бошқармаси шаҳарлардаги корхона, ташкилот ва аҳоли билан тузган шартномаларининг тақдири нима бўлади, улар ўз кучини сақлаб қоладими?

-- Президентнинг юқорида таъкидланган Фармонига мувофиқ «Ўзагросуғурта» компанияси собиқ Давлат суғурта бош бошқармасининг вориси ҳисобланади. Шу боис муддати тўлмаган ҳамма суғурта шартномалари бўйича тўла жавобгарлик компаниямиз зиммасида бўлади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳар жойларда суғурта хизматини такомиллаштириш мақсадида «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди ва «Ўзагросуғурта» компанияси ушбу суғурта ташкилотининг асосий таъсисчиси сифатида қатнашди.

-- «Ўзагросуғурта»нинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, улар билан тезроқ алоқа боғлаб, ҳамкорлик қилиш замон талаби...

-- Албатта. Чет эллардаги йирик суғурта компаниялари ишини ўрганиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг тажрибаларидан ўз шароитимизга мослаб фойдаланишимизни жонлантиришга ёрдам беради. Масалан, кўп мамлакатларда суғурта компаниялари соҳаларга ихтисослашган. Чунончи, ҳаёт суғуртаси, мулк суғуртаси, қайта суғурталаш ва ҳоказо. Биз ўз компаниямиз фаолиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини суғурталашга ихтисослашган чет эл компаниялари ишини чуқур ўрганиш, шу масала бўйича малака ошириш мақсадида ходимларимизни хорижий мамлакатларга юборишни режалаштирдик.

Йирик чет эл компаниялари билан қайта суғурта шартномаларини тузиш биз учун айниқса, муҳимдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон суғурта компаниялари билан Англия, Япония каби мамлакатлар қайта суғурталаш соҳасида иш олиб бормоқда. Биз экспорт-импорт ишларини суғурталашга ихтисослашган «Ўзбекинвест» миллий компанияси билан ҳамкорликда фаолият юритишимиз лозим. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари, банк ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш юритишимиз зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
А. ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

Каттақўрғон туманидаги Иска қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Прогресс» фирмаси ballонларга кислород қуйиш билан шуғулланади.

СУРАТДА: операторлар М. Орипов ва Б. Зиёдуллаев.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ЧОРАК САРҲИСОБИ

Тошкент вилояти фаолларининг жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқарди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўтган даврда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқлари, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Ҳозир вилоятда турли мулкчилик шаклидаги 8870 корхона ишлаб турибди, Уларда 600 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Халқ хўжалиги тармоқларида икки ой якуни бўйича 753,3 миллион сўм фойда олинди.

Шу билан бирга, қурилиш материаллари мажмуида ўсиш суръати сезилмаётир, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи айрим корхоналарда маҳсулот тайёрлаш камайишига йўл қўйилди. Агросаноат мажмуида ҳам камчиликлар оз эмас. Талайгина жамоа хўжаликларида чорва сонининг камайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилди. Хўжаликларни минерал ўғит билан таъминлаш, кўкламги экиш ишларини қисқа муддатда ўтказиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича ишончли шартномалар тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

СУРАТДА: Сеулдаги олимпия стадиони.

МАХСУС ҚЎМИТА ТУЗИЛМОҚЧИ

Ҳиндистонда қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг конференцияси бошланди.

Унда ушбу ташкилотнинг келгуси асрдаги стратегияси ишлаб чиқилади. Ҳиндистон матбуоти эълон қилаётган хабарларга қараганда, анжуманда ядро қуролларини ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва тарқатишни тақиқлаш борасида халқаро музокаралар ўтказиш билан шуғулланувчи махсус қўмита ташкил этилиши ҳам кутилмоқда.

АРМИЯ ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛАР ОЛДИ

Ўтган тўрт йил давомида Руминия ўз армиясини НАТО андозаларига мос замонавий техника билан таъминлаш учун 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади.

Армия генерали Дан Захаровнинг билдиришича, ҳукумат мамлакат мудофаасини такомиллаштириш бўйича 19 та дастур асосида иш олиб боради. Унда давлат бюджетидан ташқари, чет эл кредитларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

Генералнинг маълум қилишича, армия учун «МИГ-21» русумидаги жанговар самолётлар ва «Пума-330» русумидаги 24 та вертолёт харид қилинган. Лекин бу ҳали етарли эмас, Руминия кўплаб Ғарбий компаниялар билан ҳарбий лойиҳалар бўйича музокаралар ўтказмоқда.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қўшинлари генерал Абдурашид Дўстум назорати остидаги Фарёб вилоятига ҳужум бошлади.

Генерал қўшинлари жанговар самолётлар ёрдамида толибларга жиддий қаршилик кўрсатмоқда. Жанг давомида ҳар икки томон ҳам катта талофат кўрмоқда.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

АНҚАРА. Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг Туркияга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Туркия ҳарбий кучлари бош штаби бошлиғи Исмоил Хакки Қарадайининг таъкидлашича, бу ҳамкорлик бошқа учинчи бир давлатга қарши қаратилмаган, балки икки давлатнинг дўстона ҳамкорлигидан дарак беради, холос.

ҚЎМОНДОН ЎЗГАРДИ

ОСЛО. Норвегия генерали Триггив Теллефсен Синай ярим оролидаги кўпмиллатли ҳарбий қўшин қўмондони этиб тайинланди.

Ундан олдин бу қўшинга австралиялик генерал Дэвид Фергюссон бошчилик қилган эди.

Кўпмиллатли қўшиннинг умумий сони 1900 кишидан иборат. Унинг таркибида Австралия, Канада, Колумбия, Фиджи, Франция, Венгрия, Италия, Янги Зеландия, Уругвай ва АҚШ каби давлатларнинг ҳарбий бўлинмалари бор.

МИЛЛИОНЕР КОРХОНА

Ўзбекистон темир йўллари давлат-акционерлик компанияси ишчилар таъминоти бирлашмасига қарашли Андижон нон ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йили 1 млн. 500 минг сўмга яқин соф фойда олди.

Ваҳоланки, корхонанинг мустақил фаолият кўрсата бошлаганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Қўли гул новвойлар қисқа муддат ичида харидорлар назарига тушдилар. Бугунги кунда корхонада бир кеча-кундузда 3,5-4 тонна нон пишириб сотилмоқда.

-- Авваллари минг машаққат билан топган пулимизни мустақил ишлатолмас эдик, -- дейди корхона бош раҳбари Ғ. Тойипов. -- Юқоридан рухсат ёки буйруқ олишга тўғри келарди. Энди ўз маблағимизга ўзимиз эгалик қилаяпмиз. Топган пулимизни жамоа билан келишиб корхона ривожига, ишловчилар эҳтиёжларига ишлатаяпмиз.

Корхона айни пайтда темир йўл тизимида хизмат қилаётганларга кунига ўрта ҳисобда 210 донадан нонни устама нарх қўймасдан сотишни йўлга қўйди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Азалдан эл рўзғори бозор билан бут бўлганлиги учун ҳам мустақил диёримизда бозорлар фаолиятини ташкил этишга, улар кўрсатаётган хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 1996 йил 5 мартда қабул қилган «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор ижтимоий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

ТАРТИБСИЗ БОЗОРДА БАРАКА БЎЛМАЙДИ

Солиқ тизими ва божхона хизмати ходимлари Президент Фармони ва ҳукумат қарорининг бажарилишини таъминлаш йўлида ўтган давр мобайнида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Йирик бозорларда доимий ишловчи назорат гуруҳлари ташкил этилди. Улар зиммасига савдо, хизмат кўрсатиш қоидаларини бузувчи, рўйхатдан ўтиш, рухсатнома олиш ва солиқлар тўлашдан бош тортувчи шахсларни аниқлаш ҳамда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди. Шу талаблар асосида бозорларда мунтазам рейд ва текширувлар ўтказиб борилмоқда, солиқ қонунчилигини бузганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шунга қарамай бозорларда юзага келаётган аҳвол бугунги кун талабларига жавоб беролмаяпти. Бозорлар ва бозор мулкини айрим шахсларга арзон-гаровга сотиб юбориш, патта тўлови нархларини ўзбошимчалик билан белгилаш, бозорларни ҳиссадорлик жамиятига айлантиришдан бўйин товлаш, патта тушумларини ўзлаштириш, даромадини бюджетга ўтказмаслик каби иллатлар камаймаяпти. Зомин тумани марказий деҳқон бозорининг асосий савдо расталари жойлашган равоқ ва қассобхонани бозорнинг собиқ директори Ёрбек Эсонов арзон гаровга сотиб олиб «Ёрбек ота» номли хусусий бозор ташкил этибди. Қизиғи шундаки, республика Давлат мулкини бошқариш вилоят бошқармаси мутахассислари мазкур иншоотларни 1084,4 квадрат метр ер майдони билан бирга 66,3 минг сўмга баҳолабдилар. Шундан томи оқ тунука билан ёпилган 140 сотувчи ўринли равоққа 12,6 минг сўм нарх қўйилибди. Туман ҳокими ҳам у ёқ-бу ёғини суриштирмай арзон гаровга сотиб олинган хусусий бозор Низомини тасдиқлаб, уни рўйхатга олиш тўғрисида қарор чиқарибди. Бу ҳол Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Низоми талабларига мутлақо зиддир.

Ғаллаорол туманидаги «Гулчамбар» қишлоғи яқинида жойлашган «Пайшанба» деҳқон ва буюм бозорига «Иттифоқ» матлубот жамияти эга бўлиб олибди. Фуқаролардан ундирилаётган патта тўлови нархини матлубот жамияти раиси Абдулла Абдураҳимов белгилар экан. Тўловларни эса ҳеч қандай чипта берилмай ундириб олишаяпти.

Мана сизга бозорларга «янгича» ёндашув. Қоида бўйича кичик бозорлар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган бозорлар таркибига киритилиши керак. Патта баҳоси эса бир кишининг эмас, балки вилоят ёки туман ҳокимлиги тасдиғидан ўтиши лозим.

Шунингдек, мазкур тумандаги Бахмалсой қишлоғида жойлашган «Низомхон ота» хусусий бозори ҳиссадорлик жамиятига айлантириш ўрнига, туман ҳокими қарори билан хусусий фирмага айлантирилди. Яъни, номи ўзгартирилди-ю, лекин моҳияти билан хусусий бозорлигича қолаверди. Паттачилар эса тўловларни ҳеч қандай чипта бермай ундиришда давом этавердилар, кундалик тушумнинг эса ҳисоб-китоби йўқ. Барлос қишлоғидаги Маҳмуд Болтаевга қарашли «Пайшанба», Бахмал қишлоғидаги Исмат Усмоновга тегишли «Шанба», Ноширавон қишлоғидаги Мухтор Эсирганов нинг «Жума» хусусий бозорлари ҳам ҳануз ўз ҳолича фаолият кўрсатаяпти.

Кўриниб турибдики, фармонда қўйилган талаблар Жиззах вилоятининг кўпгина туманларида бажарилмаяпти. Фармонда деҳқон ва буюм бозорлари, ярмаркаларни республика туманлари (шаҳарлари) ҳокимликлари ихтиёрига бериш алоҳида қайд этилган бўлишига қарамай ҳокимликлар эътиборидан четда қолиб келаяпти.

Бундай мисолларни республикамизнинг барча вилоятлари ва туманларидан ҳам келтириш мумкин. Кўпгина бозорларда патта тўловларини ўзлаштириш, тушумларни бюджетга ўтказмаслик каби ҳолатлар чуқур илдиз отган. Масалан, Хива шаҳар деҳқон ва буюм бозорида текширув ўтказилмаган кунларида патта тўлови тушуми ўртача 2,3-3,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, солиқчилар ташриф буюрган куни тушум 5,6 минг сўмга кўтарилди. Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори»да ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Бу ерда текширув ўтказилган куни патта тўлови тушуми бошқа кунлардагига нисбатан 12,6 минг сўм ортиқ бўлди.

Пахтакор тумани марказидаги бозор паттачилари махсус чипта эмас, балки оддий қоғоздан тайёрланган сохта чипталар тарқатиб, тўлов ундириб юришибди. Солиқчилар икки-уч соатлик текширув давомида 143 фуқаро патта олмай савдо қилаётганлигини аниқладилар ва улардан 2125 сўмлик тўлов ундирилди.

Демак, солиқчилар текширув ўтказган кунларда паттачилар тушумни «инсоф» билан ўзлаштирганлар, бошқа кунлари эса ўз ҳоҳишларича ҳаракат қилишган. Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори»да текширув олиб борилган куни бюджетга ўтказилиши лозим бўлган 3608,9 минг сўмдан бир сўми ҳам ўтказилмаганлигини, Жиззах вилоятидаги бозорларда эса 2432,4 минг сўм ўрнига атиги 956,3 минг сўм ўтказишгани хулосамизга асос бўла олади. Тошкент шаҳри бозорлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Хўш, нега шундай бўлаяпти?

Саволнинг жавоби битта: маҳаллий ҳокимларнинг эътиборсизлиги ана шундай хатти-ҳаракатлар содир бўлишига олиб келаяпти. Фармонда, бозорлар ва ярмаркалар даромадлари умумий суммасининг 50 фоизи бозорлар, ярмаркалар маъмурияти ихтиёрида қолдирилади, 50 фоизи эса белгиланган тартибда маҳаллий бюджетларга йўналтирилади, деб очиқ-ойдин ёзиб қўйилибди. Аммо кўпчилик туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ўз қарорлари билан бозорлар даромадидан маҳаллий бюджетларга маблағ ўтказишни асоссиз равишда тўхтатиб қўйганлар. Тўғри, шаҳарда бозорларни қайта қуриш ва таъмирлаш юзасидан катта ишлар олиб борилаяпти. Бунинг учун тегишли маблағ талаб этилади. Лекин даромаднинг 50 фоизини маҳаллий бюджетга ўтказиб, шундан бозор қурилишига маҳсадли равишда маблағ ажратиш мумкин-ку. Шунда бюджетдан ажратилган маблағ сарфиёти устидан назорат ўрнатиш мумкин бўларди,

Шуни айтиш лозимки, солиқчиларнинг текширувлари айрим маҳаллий раҳбарларга ёқмаяпти. Улар имкони борича рейд ва текширувларга тўсқинлик қилишга, ҳатто таъқиқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Андижон вилояти, Қорасув шаҳар ҳокимининг 1996 йил 26 октябридаги 74-Ф рақамли фармойиши фикримизнинг далилидир. Ушбу ҳужжатнинг 2-бандида «Шаҳар давлат солиқ инспекциясига деҳқон бозорларидан маҳаллий бюджетга тушадиган солиқларни жорий йилнинг якунида, йил якуни бўйича тушумини назорат қилиш юклатилсин», деб очиқ-ойдин ёзиб қўйилибди. Бу сатрлардан солиқ инспекцияси ноинсоф бозор паттачиларини, даромадни яшираётганларни, олди-сотди билан шуғулланувчи патентсиз чайқовчиларни, патта тўловлари тушумини бюджетга эмас, чўнтакка ураётган эгри қўлларни тинч қўйсин, кунда-кунора бозор ораламасин, деган маънони уқиб олиш қийин эмас.

«Отчопар» буюм бозорида бир кунлик патта тўлови тушуми текширилаётганда ғалати воқеага дуч келинди: бир пайт бозорга мол кириши тақа-тақ тўхтаб қолди. Суриштириб кўрилса бозор маъмурияти тушум текширув ўтказаётган куни ҳаддан ташқари ошиб кетмасин, деган мақсадда дарвозаларни қулфлаб олган экан. Уларга ДАН ходими ҳам ҳомийлик қилиб вилоятлардан юк олиб келган машиналар йўлига ғов бўлиб турибди. Бундай устомонлик бошқа бозорларда ҳам учраб турибди.

Солиқчиларнинг рейд ва текширувлари изсиз қолмаяпти. Аниқланган қонунбузарликлардан тегишли идораларни мунтазам огоҳ этиб бораяпмиз, тақдимномалар юборяпмиз. Шу асосда яқинда Жиззах вилояти ҳокимлиги аҳволни тубдан яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди. Унга кўра Президент фармонига зид ҳолда қабул қилинган барча қарорлар бекор қилинди, бошқа зарур чора-тадбирлар белгиланди. Афсуски, бошқа вилоятлар ҳокимликлари бу соҳада ҳамон сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Бозорларда маҳсулот сотгани келган фуқароларни тош-тарози, халат, ўлчов асбоблари, аравачалар ва бошқа жиҳозлар билан етарлича таъминламаяптилар. Кўпгина бозор маъмурлари Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низоми талабларини бажармай келишаяпти. Бухгалтерия ҳисоб-китобларида чалкашликлар бор.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида 411 та деҳқон бозори, 296 та мол бозори, 691 та ярмарка ва савдо расталари фаолият кўрсатаяпти. Савдо-сотиқ учун ажратилган кичик жойлар бу ҳисобга кирмайди. Лекин бозорларга олиб борадиган йўллар, савдо майдонлари, сотувчиларга яратилган шароитлар ва хизматлар шу кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Натижада олиб-сотарлик, чайқовчилик, сирли гуруҳбозлик ва бошқа жиноий ҳолатлар юзага келаяпти. Бундай нохуш кўринишларга барҳам бериш учун соҳага барча мутасаддилар ва идоралар биргаликда иш олиб боришлари зарур. Ана шундагина бозорларда ижтимоий адолат ўрнатилади. Бундан сотувчи ҳам, харидор ҳам, мамлакат хазинаси ҳам бирдай наф кўради.

Шермуҳаммад ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

Балиқчи туманидаги матлубот савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўрдоқичилик хўжалигида 140 бошдан ортиқ қорамол боқилаяпти. Чорвадорлар йил охиригача қорамоллар сонини 165 бошга етказишни, бундан ташқари 50 тонна гўшт етиштиришни ҳам режалаштиришган.

СУРАТЛАРДА: бўрдоқичилик фермаси; зоотехник М. Каримов ва чорва мутахассиси П. Юсупов.

Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.

ТУПРОҚ ВА СУВНИ ҚАНДАЙ «ДАВОЛАШ» МУМКИН?

Қора ва рангли металлургия корхоналари, атом ва кимё саноати, нефт ва газ қазиб чиқариш -- бутун дунёда тупроқ ва сувни энг кўп булғатадиган тармоқлар ҳисобланади. Саноат технологиялари лойиҳа-қидирув ва илмий тадқиқот институтининг мутахассислари инсоннинг ана шу соҳалардаги фаоалияти натижасида булганиб, ишдан чиққан ерларни қайтадан экинзорга айлантиришнинг янги йўлини топдилар. Бу -- электросорбция деб аталган усулга асосланган.

Арзон ва ҳамма ерда топиладиган реагентлар ёрдамида оғир, радиактив металлар, турли заҳарли моддаларнинг заррачалари йўл қўйиш мумкин бўлган миқдор даражасига келтирилади. Бу технологиянинг афзалликлари унинг соддалиги, тез бажарилиши, ҳар қандай шароитда қўлланиш мумкинлигидадир. Бундай ерларни тозалашнинг одатдаги усули кўп меҳнатни талаб қилади, яъни жуда катта ҳажмдаги булганган тупроқ ва сувни четга олиб кетишни кўзда тутади. Янги усулда эса, кам харажат билан зарур натижага эришилади.

(ЎзА).



«Хўжайли гуруч» ҳиссадорлик жамияти илгари фақат шолини тозалаш ва оқлаш билан шуғулланган бўлса, эндиликда бунинг ёнига арпани қайта ишлаш ҳам қўшилди. Ҳиссадорлар кунига 100 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлашга эришаяпптилар.

СУРАТЛАРДА: корхона кўриниши; операторлар Ж. Нурумбетов ва бош инженер А. Тўрамуродов.

А. МУРОТОВ олган суратлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ

АРЗЧИЛАР КЎНГЛИ ТЎЛДИ

Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳарининг Ойбек номли маҳалласи оқсоқоллари С. Раҳматхўжаев, О. Маҳмудов (жами 9 имзо) ёзган аризада шу ҳудуддан оқиб ўтувчи Дамариқ бир неча йиллардан буён тозаланмаслиги, масъул раҳбарлар бу ишга панжа орасидан қараб келишаётгани баён қилинган эди. Туман ҳокимлигининг қуйидаги жавоб хатида арзчиларнинг талаби қондирилгани таъкидланибди.

«Туман сув хўжалиги бирлашмаси томонидан аризада кўрсатилган Дамариқнинг суви тўхтатиб қўйилиб, унинг ҳамма қисми механизм билан тозалаб чиқилди. Сув ювиб кетган қирғоқ бўйлари бетонлаштирилди. Ариқ бўйида тўпланиб қолган чиқиндилар ташиб кетилди, ён-атроф тозаланди.

Аризада кўрсатилган С. Чеботаревнинг уйига тракторлар кира олмаслиги сабабли қўл кучи билан тозаланадиган бўлди.

К. ДЕҲҚОНБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими».

ҲОКИМЛИК ЎЗ НАЗОРАТИГА ОЛДИ

Сидқидилдан киришилса, ҳар қандай муаммони ҳам ҳал этса бўлади. Мана масалан, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўқитувчиларнинг «Халқ сўзи»дан ёрдам сўраб ёзган шикоятидаги муаммоларни бартараф этибди.

«Термиз тумани А. Қосимов номли 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Х. Нуралиевнинг мактаб ўқитувчилари болалар нафақалари ва ойлик иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётганликлари хусусида билдирган норозичилиги тасдиқланди. Шу йилнинг март ойида ўқитувчиларнинг болаларига нафақа тўловлари тўлиқ тарқатилди.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг 1996 йил ҳамда 1997 йилнинг январь, февраль ойлари учун иш ҳақлари тўлиқ тўланди.

Вилоят ҳокимлиги бундан буён ўқитувчиларнинг иш ҳақлари ва болаларига нафақа тўловини ўз вақтида бериб боришни ўз назоратига олди.

Ж. НОРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими».

ҚУВВАТ МАНБАЛАРИ. БУ – ҲАЁТ ДЕГАКДИР

Қанча сув, иссиқлик сарфлаётганингизни ва бунинг учун қанча ҳақ тўлашингиз кераклигини биласизми?

"Стройтехника" ўзбек-исроил корхонаси бу борада Сизга ёрдам беради.

Сиз биздан иссиқ ва совуқ сувни ҳисобга оладиган асбобларни харид қилишингиз мумкин. Халқаро андозаларда тайёрланган ушбу ИСО 4064 асбобнинг диаметри 15 мм ва юқори. Шунингдек, иссиқлик таъминоти очиқ тизимларида иссиқлик сарфини ўлчаш ва савдо-сотиқ мақсадида ҳисобга олиш учун ишлатиладиган ўлчагичларни сотиб олишингиз мумкин.

Асбоблар Ўзбекистон Республикаси сертификатларига эга. Қўшма корхона юқори сифатли жўмрак-аралаштиргич ва эшикларнинг ички қулфларини чекланмаган миқдорда тавсия этади..

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Бизнинг манзил: 700027, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16а, 618, 619-хоналар. Телефонлар: (3712) 45-48-64, 45-53-39, 45-58-37. Факс: (3712) 45-58-37, 45-48-64.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси

лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради.

Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 22 апрелда бошланади.

Манзил:
Тошкент ш., Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6.
Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

Тошкент шаҳар прокуратура жамоаси бўлим прокурори Алишер Жалиловга онаси

Омина ТУРСУНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси углеводлар ва оқсиллар кимёси лабораторияси мудири Д. Раҳимовга отаси

Аҳмат РАҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ўқув услубиёт маркази жамоаси олий тоифали услубиётчи С. Салоҳиддиновга онаси

Мунаввархон ОТИНЧАБУВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси умумий ишлар бўйича бош директор муовини А. Р. Маматқуловга акаси

Маъмуржон МАМАТҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДАВЛАТ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида Давлат қисқа муддатли облигацияларининг кимошди ва иккиламчи савдолари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат облигацияларининг эмитенти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса чиқарилган облигацияларга хизмат кўрсатувчи бош агентдир.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бўш пул маблағларини қисқа муддатга фойдали инвестиция қилиш имконини беради. Шу билан бирга давлат облигациялари операцияларидан олинган даромад Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда чиқарилиш шартларига биноан солиққа тортилмайди. Давлат облигациялари бозорида иштирок этаётган корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағларини оператив равишда бошқаришда қўшимча имкониятга эга бўлмоқдалар. Облигациялар дисконт (номинал қийматдан паст баҳода) билан сотилади. Чиқарилаётган давлат облигациялари юқори даражадаги ишончли қимматли қоғоз ҳисобланади, чунки муддат тамом бўлгандан сўнг уларнинг номинал қиймати бўйича тўлови давлат томонидан кафолатланади.

Бир дона облигациянинг номинал қиймати 1000 сўмни ташкил этади. Чиқарилган облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 3 ва 6 ойдир.

Давлат облигацияларини жойлаштириш ҳамда уларнинг иккиламчи савдолари Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бозор қонун-қоидалари асосида ўтказилади. Бунда давлат облигацияларининг даромадли, юқори ликвидли ва хавф-хатарсиз эканлиги уларга бўлган қизиқишнинг асосини ташкил этади. Давлат облигацияларига сармоядорлар томонидан доимий талабнинг мавжудлиги туфайли облигация эгалари ўз дилерлари орқали иккиламчи бозорда уларни исталган миқдорда сотишлари мумкин. Харид қилинган облигацияларни исталган вақтда сотиш муаммосининг йўқлиги давлат облигацияларига сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон давлат облигациялари бозорининг ривожланиши билан унга қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда ва бўш суғурта ва бошқа инвестиция фондлари, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, акционерлик ташкилотлари уларнинг орасида катта ўрин эгаллаб турибди.

Корхона ва ташкилотлар давлат облигацияларининг муомалада бўлиш даврида ўз дилерлари орқали кимошди савдосида ва иккиламчи савдоларда уларни харид қилишлари ва сотишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида давлат қисқа муддатли облигацияларини жойлаштириш бўйича ҳар ойда кимошди савдолари ўтказилади. Чиқарилиш ҳажми 10 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия Вазирлиги томонидан эълон қилинади.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

	Дилер	Манзил, телефон
1.	Ўзсаноатқурилиш банки	Тошкент ш., А. Тўқай кўчаси, 3, тел.: 33-24-86, 36-14-77
2.	Миллий банк	Тошкент ш., Охунбобоев кўчаси, 23, тел.: 33-17-12, 33-74-15
3.	Ўзпахтабанк	Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43, тел.: 78-10-94, 77-91-66
4.	Халқ банки	Тошкент ш., Қатортол кўчаси, 46, тел.: 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5.	Ғаллабанк	Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 36, тел.: 36-16-17, 36-11-05
6.	"Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44, тел.: 42-23-85, 44-25-97
7.	Ўзприватбанк	Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 17, тел.: 39-16-63, 39-14-42
8.	Ипак йўли АИТБ	Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 12а, тел.: 76-89-73, 76-18-74
9.	Тошшўйжойжамғармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17, тел.: 33-11-22, 36-32-31, 36-33-31
10.	Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўчаси, 1, тел.: 36-10-21, 33-62-54
11.	Трастбанк	Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7, тел.: 41-01-10, 41-04-43
12.	Андижонбанк	Андижон ш., Бобур шоҳ кўчаси, 85, тел.: 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон)
13.	Асакабанк	Тошкент ш., Нукус кўчаси, 46, тел.: 54-04-50, 54-18-74
14.	АБН АМРОБАНК	Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, Бизнес-комплекс, 4-подъезд тел.: 32-00-70, 32-00-76.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси.

САНЪАТ ОЛАМИДА

Куй ва қўшиқ бани одамзоднинг абадий ҳамроҳидир. Чунки у дардини ҳам, қувончини ҳам оҳанг ва рақслар ёрдамида ифода этиб келган. Мустақил мамлакатимизда бу қадим санъатларни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1996 йилнинг апрель ойида республика Президентининг Фармонига асосан «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди. Нисбатан ёш бу бирлашманинг келажак режалари нималардан иборат? ЎзА мухбири бирлашма бош директори Анор НАЗАРОВдан ана шулар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

ЎЗБЕК НАВОСИ ЯНАДА БАЛАНДРОҚ ЯНГРАСИН

-- Аввало айтиш керакки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармони ва бу ҳақдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини республикамиз санъат аҳли катта қувонч билан кутиб олди. Чунки ҳар бир давлат нафақат иқтисодий тараққиёт, балки маданий-маърифий юксалиш ҳақида ҳам қайғуриши табиий. Қолаверса, мусиқа ва қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, турли ташқи таъсирлардан асраш учун кимдир масъул бўлиши лозим эди. Шу маънода, бирлашмани ташкил қилишдан асосий мақсад ўзбек мумтоз мусиқаси ва рақсини янги мазмун ва янги оҳанг билан бойитиш, замонавий мусиқани миллий анъаналаримиз асосида ривожлантиришдан иборат эди. Ўтган бир йил мобайнида амалга оширилган ишларга тўхталсак, барча вилоятларда бирлашманинг ҳудудий бўлимлари очилди ва улар фаол иш олиб бормоқда. Ҳукуматимиз ғамхўрлиги самараси ўлароқ, фаолиятимиз билан боғлиқ барча ташкилий ва молиявий масалаларни белгиланган муддатларда ҳал қилиш, бирлашманинг низомини ишлаб чиқиш, ҳукумат қарорларида кўрсатилган бошқа топшириқларни вақтида амалга оширишга эришилди.

Жамоалар, алоҳида хонанда ва ижрочилар ижодини холис, адолатли мезон асосида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бирлашма қошида бир неча бадиий кенгашлар тузилди. Бу кенгашларга ўз санъати билан халқимиз эътиборига сазовор бўлган машҳур устоз санъаткорлар ҳам аъзодир. Уларнинг кенгашлар фаолиятида иштирок этиши мумтоз анъаналаримизга ёшларни жалб қилиш, янги юлдузларни кашф этишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ўтган давр мобайнида республикамизнинг бир қанча санъаткорлари «Ўзбекнаво» ҳомийлигида ижодий сафарларда бўлишди. Булар қаторига халқ суйган хонанда Муножот Йўлчиеванинг Францияга, Ўлмас Саиджонов раҳбарлигидаги санъаткорлар гуруҳи ҳамда «Баҳор» ансамблининг Японияга, «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг Малайзияга, «Ялла» гуруҳининг АҚШга қилган ташрифларини киритиш мумкин. Бундай тадбирлар очиққўнгил халқимизни дунёга танитишга, бетакрор санъатимизни тарғиб этишга хизмат қилади, албатта.

Биз хорижлик таниқли созандалар, ижрочи гуруҳлар, театр жамоаларининг концерт дастурлари билан юртимизга келишига ҳам эътибор қаратяпмиз. Г. Гаранян бошчилигидаги «Жаз Трио» гуруҳи, Образцов номидаги машҳур Россия қўғирчоқ театри гастроллари бунга мисол бўла олади. Бу борадаги ишларимиз давом этади.

Ўтган йил республикамиз ҳаёти муҳим воқеаларга бой бўлди. Хусусан, «Ўзбекистон -- Ватаним маним» қўшиқ байрами, Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари ҳамда мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйини ўтказишда бирлашмамиз жамоалари ўзига хос ҳисса қўшди, десак хато бўлмас. Шунингдек, «Ўзбекнаво» санъаткорлари Марказий Осиёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи биринчи корхона -- «ЎзДЭУавто» заводи очилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда ҳам фаол иштирок этди.

Миллий санъатимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Тамарахоним, шунингдек, Фаҳриддин Умаров, Қаҳрамон Дадаев каби устозларимизнинг юбилейларини ўтказдик. Айтиш мумкинки, улар қўшиқ ва рақс байрамига айланиб кетди.

Ҳозирги кунда республикада анъанавий қўшиқ байрамига тайёргарлик ишлари бошланди. Шу билан бирга, жорий йилнинг охиригача яна бир неча катта тадбирлар ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Улар қаторида элимизнинг севимли санъаткорлари Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Абдулазиз Абдурасулов ва Ботир Зокиров хотирасига бағишланган кўрик-танловлар бор. Вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган бу танловларнинг асосий мақсади миллий қўшиқчилик мактабимиз анъаналарини тарғиб этиш ва шу асосда иқтидорли ёш хонандаларни катта санъат йўлига олиб чиқишдир. Бу йил биринчи бор ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ташкил қилиш ва ўтказишда ҳам «Ўзбекнаво» бирлашмаси муносиб ҳисса қўшади.

Бирлашмамиз таркибидаги гастроль-концерт бўлимининг фаолиятини яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда замонавий эстрада қўшиқчилигини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Турли эстрада гуруҳларининг имкониятлари ўрганилиб, шу асосда уларнинг дастурларини бойитиш, қўшиқларнинг маънодорлигини ошириш, миллий анъаналаримиз томон йўналтириш кўзда тутилган.

Қўшиқ айтган етар муродга, дейди шоир. Ўйлайманки, биз ҳам келажаги буюк давлатимизнинг бундан-да фаровон кунларига ёркин, жарангдор қўшиқларимиз билан борамиз. Миллий санъатимизни юксалтириш борасида халқимиз билдирган ишончни оқлаймиз.

МАҚТАНИШГА ҲАЛИ ЭРТА...

Ғузор тумани марказий шифохонаси бош шифокори Чори Пардаев билан бўлган митти суҳбатда соғлиқни сақлаш борасидаги айрим ижобий ўзгаришлар ҳақида гап боради.

-- Туманда кейинги йилларда аҳоли соғлиғини сақлаш борасидаги ижобий ўзгаришлар нималардан иборат?

-- Республика ҳукумати, туман ҳокимлигининг ажратган маблағлари ҳамда хўжаликларнинг ўз ҳисобидан тиббий масканлар қурилиши кенгроқ тус олди. Яқинда каттагина поликлиника қуриб битказилди. Унинг лойиҳа қиймати 61 миллион сўм бўлиб, тиббий жиҳозларга 15 миллион сўм маблағ ажратилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «2000 йилга қадар қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш» дастури асосида жамоа хўжаликлари ҳудудида тиббий муассасалар, хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишлари қизғин.

Бир ярим минг нафарга яқин тиббиёт ходимларининг билим, касб маҳорати даражасини ошириш ҳақида ўйлаяпмиз. 315 шифокорнинг 20, ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларидан эса 35 нафари олий тоифалидир.

-- Республика бўйича тиббиёт муассасалари таъминотининг 10--15 фоизигина тўғридан-тўғри республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қолган қисми эса маҳаллий ҳокимиятлар орқали амалга оширилади. Шундай экан, туман ҳокимияти, хўжаликлар, ташкилотлар тиббиёт учун қай даражада ғамхўрлик кўрсатишаяпти?

-- Саломатлик аҳоли ҳаёт тарзини ҳам, меҳнат самарасини ҳам белгиловчи бош омил. Тўғри, унинг бир томони асосан шифокорларнинг ўз касбларига садоқати, билими, касб маҳорати даражасига боғлиқ. Аммо қатор моддий, маънавий, ташкилий томонлари ҳам борки, булар шаксиз туман ҳокимияти ва қатор ташкилотлар, жамоа хўжаликлари раҳбариятининг бевосита кўмагисиз ўз ечимини топа олмайди. Аввало ҳокимлик томонидан ҳар бир тиббиёт муассасасининг моддий ва маънавий ҳаёти ўрганиб чиқилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир жамоа ёки ташкилотнинг ўз қарамоғидаги ёки ўз ҳудудидаги тиббий масканлар ҳамда тиббиёт ходимлари фаолиятига бўлган масъулияти бирмунча оширилди. Масалан, марказий касалхонанинг ҳар бир бўлимига ва бошқа тиббий муассасаларга ташкилотлар ҳомийлиги белгиланди. Олий тоифали, тажрибали, билимли, умуман, аҳоли кўпроқ мурожаат қиладиган шифокорларнинг самарали ишлашлари учун уларнинг моддий эҳтиёжлари ва қишлоқ шароити тақозоси билан уй-рўзғор, оилавий заруратларини қўллаб-қувватлаб турувчи ташкилотлар бор. Бу аслида кўзга кўринмас тадбир бўлиб туюлса-да, тиббиётда катта ижобий ўзгариш ясайди. Айтайлик, қишлоқ шароитида бутун ёз, куз давомида аҳоли ем-хашак йиғади, уй-жойини таъмирлайди, деҳқончилик қилади. Ахир бу эҳтиёж шифокорда ҳам бор-ку!

Хуллас, кун сайин оғир асоратли юқумли касалликлар сони камайиб бормоқда. Оналар ва болалар саломатлиги яхшиланмоқда. Лекин мақтанишга ҳали эрта. Чунки олдимизда турган вазифалар бисёр. Демак, унинг самараси ҳам олдинда.

Суҳбатдош:
Чори ЛАТИПОВ.

ҒАРОЙИБОТЛАР САНДИҒИ

МАОШ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН «ДАСТЁР»

Лондон шаҳридаги касалхоналардан бирида ғаройиб «хизматчи» пайдо бўлди.

У барча топшириқларни «виждонан» бажаради ва бошлиқнинг гапини ҳеч қачон икки қилмайди, устига устак суткасига 24 соат тиним билмай ишлайди. Маош ҳам талаб қилмайди. Бу дастёр Живс номли роботдир. Роботларнинг янги авлодидан бўлмиш Живс электр батареядан озиқланади.

У касалхонада ҳамшира бажариши лозим бўлган ҳамма юмушнинг уддасидан чиқади. Робот хотирасига касалхонанинг бутун чизмаси ёзилган бўлиб, бутун бино бўйлаб бехато ҳаракат қилади. Живснинг бир соатлик меҳнати атиги 2 фунт стерлингга тушар экан. Бу касалхона маъмуриятига анчагина маблағни тежаб қолишда қўл келмоқда.

АСЛИДА... ҲАҚИҚАТ

Бундан роппа-роса икки юз йил аввал Германиянинг Боденвердер шаҳарчасида «ёлғончилар ёлғончиси» сифатида бутун дунёга танилган бир инсон ҳаётдан кўз юмганди...

Икки юз йилдирки, у ҳақдаги қизиқарли ҳангомалар ўқувчилар хаёлини банд қилиб келади. Лекин у бошдан кечирган воқеалар ҳаётий қонуниятлардан шу қадар йироққи, баъзида китобхон бундай одамнинг бўлган-бўлмаганига шубҳа билан қарайди. Бироқ мўъжазгина, Боденвердерда ана шундай инсон яшагани ҳақиқат. У дўстлари, қадрдонлари ёки шунчаки улфатлар даврасида ўтирган пайтда ақл бовар қилмас воқеалар ва турфа қизиқ ҳангомалар айтиб, ҳаммани ўз оғзига қаратишни хуш кўрадиган немис зодагони -- Карл Фридрих Иероним Фон Мюнҳаузен эди.

ФОЙДАСИ БОР, ЗИЁНИ ЭСА ЙЎҚ

Кўк чойнинг инсон организми учун фойдали жиҳати ҳақида жуда кўп ёзилган.

Яқинда гонконглик олимлар кўк чойнинг яна бир хислатини аниқладилар. Уларнинг аниқлашича, кўк чой қон таркибидаги холестрол миқдорини камайтиришга хизмат қилар экан. Маълумки, айрим ҳолларда холестрол моддаси юрак қон томирлари касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Гонконг университети мутахассислари чой баргидан фаол ингредиент моддасини ажратиб олдилар. Бу ҳар қандай доридан кўра фойдалироқ экан.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуи -- МҲСК теннис кортларида ўсмирлар ўртасида анъанавий халқаро турнир бошланди. Унда жаҳоннинг 13 та мамлакатидан келган 92 нафар ёш теннисчилар қатнашяпти.



Айни кунда МҲСК теннис кортларида Чехия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Литва, Тожикистон, Белорусь, Грузия ва Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб турибди.

-- Кўплаб иқтидорли теннисчиларнинг камол топишига хизмат қилаётган анъанавий Тошкент халқаро турнири бу йил ўн еттинчи марта ўтказилмоқда, -- деди турнирнинг тантанали очилиш маросимида республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов. -- Анъанавий турнирда қатнашишга ҳоҳиш билдирган мамлакатлар сони йил сайин ошиб бораётгани бизни қувонтиради. Бунинг ҳаммаси мамлакатимизда барча спорт турлари қаторида теннисни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, юртимизда бунинг учун кенг миқёсда шарт-шароитлар яратилаётганлиги, янги-янги теннис кортларига чиқаётган ёшлар орасидан келажакда теннис юлдузлари етишиб чиқади.

Кеча турнир қатнашчилари ҳал қилувчи баҳсларни бошлаб юборишди. Мусобақалар 13 апрель куни якунланади.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.



ОПА-СИНГИЛЛАР ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Теннисснинг оммавийлашиб бораётгани ва миллионлар ўйини бўлган спортнинг бу тури орқали мустақил юртимиз дунёга юз тутаётгани қувонарлидир.

Наманганда бўлиб ўтган жаҳон ёшларининг халқаро турнирини ҳам республикамизда теннис ривожи сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди дейиш мумкин. «Дўстлик» теннис корти мажмуидаги беллашувларда 18 ёшгача бўлган 90 нафардан зиёд спортчи қатнашди. Улар Бангладеш, Белорусь, Грузия, Ҳиндистон, Чехия, Покистон каби 12 мамлакатдан ташриф буюришди.

-- «Спорт -- тинчлик элчиси» деб бежиз айтилмаган, -- дейди покистонлик теннисчи Айсим Улҳақ биз билан суҳбатда. -- Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм сураётгани учун ҳам биз бу ерга ташриф буюрдик. Республикангиз мустақил бўлганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у теннис, футбол, бокс каби спорт турлари билан дунёга чиқмоқда.

Белорусь, Ҳиндистон ва Чехиядан келган ёш спортчилар ва уларнинг мураббийлари ҳам илк бор Ўзбекистонга ташриф буюрганидан, бу ерда уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилганидан мамнун эканликларини таъкидлашди.

Халқаро турнир қизғин баҳслар остида ўтди. Қизлар ўртасида биринчиликда ўзбекистонлик Лилия Биктякова, ўғил болалар ўртасида эса белоруслик Максим Бельский ғолиб бўлдилар.

Жуфтликлар орасида ҳам баҳс қизғин давом этди. Улар ўртасида опа-сингил Лилия ва Луиза Биктяковалар, ўғил болалар ўртасида эса литвалик Евгений Царёв ва молдовалик Евгений Пугарёвларга тенг келадиганлар топилмади.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"КАМОЛА ПАРВОЗИ" ФИРМАСИ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН СОТАДИ:

- GOODYEAR ШИНАЛАРИ 175/70 R 13, 185/70 R13, 185/65 R14, 205/70 R14
- 6СТ-195, 6СТ-60 АККУМУЛЯТОРЛАРИ
- "УАЗ" ва "ДОГАН" АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
- ТЎЛОВ УСУЛИ ТУРЛИЧА

Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 52.

Телефон: 56-41-25.
Тел./факс: 54-68-92.
Пейжер (067) 5976.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — О. Тўрақулов.
Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0227 40.823 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.30 123456